


ЎЗБЕКИСТОН ВА МЎҒУЛИСТОН ЎРТАСИДА ДЕГРАДАЦИЯГА УЧРАГАН ЕРЛАРНИ ТИКЛАШ БЎЙИЧА “ОРОЛ – ГОБИ” ҲАМКОРЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА КЕЛИШИЛДИ

ЖАМИЯТ

№ 35 (1002)
2026 йил
10 сентябрь,
Пайшанба

Ижтимоий-сиёсий, экологик газета

2006 йил 31 августдан чоп этила бошлаган



МАЪРИФАТ КОШОНАСИ



ОНА ТИЛИ – МИЛЛИЙ ЎЗЛИК ВА ҚАЛБ КЎЗГУСИ

Мулоқот маданияти, ички андиша ва сўз оқибати ҳақида ўйлар

Одамлар ўртасидаги меҳр-оқибат қаерга йўқоляпти? Тилнинг софлиги ҳам айнан мана шу оқибат ва самимият билан боғлиқ. Агар биз тилимизни фақат байрам кунлари эслаб, қолган кунлари бир-биримизга қўполлик қилсак, бегона сўзларни аралаштириб гапиришни «замонавийлик» деб билсак, демак, маънавиятимизнинг ичида нимадир синган бўлади.

3

Ислом цивилизацияси маркази пойтахтимизнинг ҳуснига-ҳусн қўшди, том маънода қисқа муддатлар ичида миллат ғурурига айланди. Ушбу марказ нафақат Ўзбекистонда, балки дунё миқёсида улкан мўъжиза бўлиб, миллатимиз тараққиётининг жаҳон тамаддунига қўшган ҳиссасини ўзида мужассам этган.

Илмий марказда аждодларимиз умргузаронлик қилган ушбу минтақада шаҳарсозлик ва меъморчиликнинг, яъни қадимги шаҳарлар ва қалъаларнинг пайдо бўлиши даврлари аниқ кўрсатиб берилган. Ўша пайтларда суғориш тизимларининг, хусусан, деҳқончиликни ривожлантириш мақсадида бунёд этилган каналлар ва сув иншоотлари тизими ҳам аниқ мисолларда кўрсатиб берилган.

Ҳудудда ёзувнинг пайдо бўлиши ва давлатчиликнинг шаклланиши ҳам айнан милоддан олдинги даврларга тўғри келади. Албатта, бунда турли ёзув тизимлари қўлланилган, давлат бошқаруви ва ҳуқуқий муносабатлар шаклланган. Айнан шу даврда чегараларга аниқлик киритилиб, дастлабки давлат тузилмалари пайдо бўлган. Илм-фан ва астрономиянинг илк асослари ҳам айнан шу даврга тўғри келади. Бунда вақтни ҳисоблаш, календарлар тузиш ва осмон жисмларини кузатиш бўйича дастлабки билимлар тизими ўз аксини топган.

Биринчи ренессанс – илм-фаннинг юксалиш даври

Ушбу давр Марказий Осиё ва ислом олами илм-фанининг юксалиш поғоналари бўлиб, бу даврда дунё фанларининг пойдеворини яратган кўплаб буюк алломалар етишиб чиққан. Уларнинг ҳаёти ва фаолияти бўйича тегишли маълумотлар шакллантирилган ҳамда илм-фан борасидаги оламшумул кашфиётлари аниқ мисолларда кўрсатиб берилган. Масалан, буюк аллома Муҳаммад ал-Хоразмий алгебра фанининг асосчиларидан бири сифатида жаҳон илм-фани тараққиётига улкан ҳисса қўшган олим. У нафақат математика, балки астрономия, география ва илм методологиясининг ривожланишига ҳам катта ҳисса қўшган.

6

ЖАМИЯТ

2026 йил 10 сентябрь № 35 (1002)

ЎЗБЕКИСТОН ВА МЎҒУЛИСТОН ЎРТАСИДА ДЕГРАДАЦИЯГА УЧРАГАН ЕРЛАРНИ ТИКЛАШ БЎЙИЧА “ОРОЛ–ГОБИ” ҲАМКОРЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА КЕЛИШИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг экология масалалари бўйича маслаҳатчиси – Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси раиси Азиз Абдуҳакимов Мўғулистоннинг атроф-муҳит ва иқлим ўзгариши вазири С. Сандаг-Очир билан учрашди.



Учрашувда томонлар атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, деградацияга учраган ерларни тиклаш ва иқлим ўзгаришига мослашиш соҳаларида ҳамкорликни кенгайтириш имкониятларини муҳокама қилдилар.

Ўзбекистон ва Мўғулистон бир қатор ўхшаш экологик муаммоларга дуч келмоқда. Жумладан, чўлланиш, яйловларнинг деградацияси, қурғоқчилик, қум ва чанг бўронларининг кучайиши каби жараёнлар экотизимлар, қишлоқ хўжалиги ҳамда аҳолининг яшаш шароитларига таъсир кўрсатмоқда.

Учрашув якунида “Қурғоқчил ҳудудлар экотизимларини тиклаш ва қум ҳамда чанг бўронларини камайтириш бўйича «Orol–Gobi» ҳамкорлиги” ташаббусини биргаликда ишлаб чиқиш бўйича келишувга эришилди. Биринчи босқичда Ўзбекистон ва Мўғулистонда пилот ҳудудларни аниқлаш, ишларнинг устувор йўналишларини баҳолаш ва аниқ лойиҳа таклифларини тайёрлаш режалаштирилмоқда. Бунда деградацияга учраган ерлар ва яйловларни тиклаш, қум ва чанг бўронлари хавфини камайтириш, шунингдек, ер ресурсларини барқарор бошқариш бўйича амалий ечимларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратилади.

Ўзбекистон ва Мўғулистон, шунингдек, қўшма лойиҳа таклифларини ишлаб чиқиш ва халқаро молиялаштиришни жалб этишни режалаштирмоқда. Бу борадаги ишлар, хусусан, Адаптация жамғармаси, Глобал экологик жамғарма (GEF), Яшил иқлим жамғармаси (GCF), Жаҳон банки ва бошқа халқаро молиявий механизмлар имкониятларидан фойдаланиш орқали амалга оширилади.

Мўғулистоннинг БМТнинг Чўлланишга қарши курашиш тўғрисидаги конвенциясига (UNCCD) раислик қилиши қўшма ташаббусларни илгари суриш учун алоҳида имкониятлар яратади.

Ҳамкорликнинг алоҳида йўналиши сифатида Марказий Осиё ва Мўғулистонда ер ресурсларини бошқариш бўйича лойиҳаларни тайёрлаш механизмини (CA+M Land PPF) ташкил этиш кўзда тутилмоқда. Янги механизм ерларни тиклаш бўйича инвестицияга тайёр лойиҳаларни ишлаб чиқишнинг амалий воситасига айланиши кутилмоқда. У устувор ҳудудни аниқлаш ва лойиҳа консепсиясини ишлаб чиқишдан тортиб, халқаро молиялаштиришни жалб этиш учун зарур бўлган лойиҳа ҳужжатларини шакллантиришгача бўлган жараёнларни қамраб олади.

“ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ БИЛАН БОҒЛИҚ ХАВФ-ХАТАРЛАР БЎЙИЧА ЯГОНА КУН ТАРТИБИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЛОЗИМ”

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қирғиз Республикасига расмий ташрифи доирасида Бишкекда ShHT Давлат раҳбарлари кенгаши йиғилиши ҳамда “БМТ адолатли дунё тартиботининг асосий бўғини сифатида: “ШҲТ плюс” давлатларининг кўп қутбли дунёни шакллантиришга қўшаётган ҳиссаси” мавзусидаги “ShHT plyus” форматидаги учрашувда иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари бу тадбирларда нутқ сўзлаб, бир қатор муҳим ташаббусларни илгари сурди. Хусусан, Президент экологик масалаларга алоҳида эътибор қаратди. Жумладан, Шавкат Мирзиёев иқлим ўзгариши билан боғлиқ хавф-хатарлар мамлакатларнинг озиқ-овқат, сув ва энергетик хавфсизлигига тобора кўпроқ таъсир кўрсатаётганлигини, бу эса ShHT доирасида ушбу масалалар бўйича ягона кун тартибини шакллантириш заруратини тақозо этаётганлигини таъкидлади.

Шунингдек, Давлатимиз раҳбари БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда минтақавий ташкилотлар салоҳиятидан янада фаол фойдаланиш лозимлигини қайд этиб, табиатдан фойдаланиш, “яшил” энергетика, рақамли хизматлар ва соғлиқни сақлаш соҳаларида минтақалараро лойиҳалар ва технологияларнинг Очиқ банкини шакллантиришни таклиф қилди.

Бундан ташқари, Шавкат Мирзиёев Яқин Шарқда мулоқотни қайта тиклаш ва кескинликни юмшатиш, ўзаро боғлиқ ва барқарор маконни шакллантирадиган “ShHT – 2040: умумий тараққиёт макони” концептуал қарашини ишлаб чиқиш, махсус иқтисодий зоналар, ишлаб чиқариш жараёнлари, сотув бозорлари ва логистикани бирлаштирадиган ShHT Саноат кооперацияси харитасини ишлаб чиқиш, сунъий интеллект соҳасида ҳамкорлик бўйича Бутунжаҳон ташкилотини ташкил этиш, келгуси йили Тошкент шаҳрида ShHTнинг сунъий интеллект ва янги рақамли ечимлар бўйича форумини ўтказиш, ShHT га аъзо давлатларнинг темир йўл макон-



лари интеграцияси бўйича кенгаш таъсис этиш, Хавфсизлик ва иқтисодий ҳамкорликнинг кенг кўламли масалаларини муҳокама қилиш учун ShHT нинг Афғонистон билан мунтазам мулоқотини қайта тиклаш каби таклифлар билдирилди.

Қолаверса, Ўзбекистон Евроосиё маконида очиқ ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш тарафдори эканлиги қайд этилиб, “ShHT plyus” маданиятлар ва цивилизациялар доимий форумини таъсис этиш ва ушбу тадбирни БМТнинг манфаатдор тузилмалари билан биргаликда Хива шаҳрида ўтказиш ташаббуси илгари сурилди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон бундан буён ҳам умумий фаровонликни мустаҳкамлаш ва кўп томонлама шерикликни ривожлантиришга салмоқли амалий ҳисса қўшишга тайёр.



ОНА ТИЛИ – МИЛЛИЙ ЎЗЛИК ВА ҚАЛБ КЎЗГУСИ

Мулоқот маданияти, ички андиша ва сўз оқибати ҳақида ўйлар

Ишдан чарчаб қайтаётгандим. Маҳалла бошидаги кичикроқ озиқ-овқат дўконига кирдим. Олдимда ўн икки-ўн уч ёшлардаги бир болакай турарди. У сотувчи йигитга қараб, қўли билан витрина чеккасини кўрсатди: «Ака, анави нарсадан беринг». Сотувчи эса телефондан бошини кўтармай, лоқайдлик билан: «Қайси бири? Номини айт, ука, ҳамма нарсанинг номи бор», деди тўнғиллаб. Болакай бир оз тараддудланиб турди-да, секингина дўкондан чиқиб кетди. Ўша бола олмоқчи бўлган «анави нарса» оддийгина ширинлик эди. У ширинликнинг номини билмасди ёки ўша лаҳзада айтишга тили келишмади...

Дўкондан чиқдим-у, ўйга толдим. Биз ҳар йили октябрь ойи яқинлашса, Тил байрамини катта шодиёна билан кутиб оламиз. Саҳналардан туриб она тилимизнинг нақадар бойлиги, гўзаллиги ҳақида соатлаб нутқ сўзлаймиз, ғазаллар ўқиймиз. Лекин кундалик ҳаётимизда, мана шундай оддий маиший вазиятларда, кўча-кўйда бир-биримизга қай даражада «ўзбекча» муносабатда бўляпмиз?

Гап фақат сўзларни тўғри талаффуз қилиш ёки имло хатоларсиз ёзишда эмас. Тил – шунчаки грамматика қоидаларининг қуруқ йиғиндиси эмас. Тил – бу, энг аввало, одамнинг ички олами, андишаси ва оқибатидир.

Бегонани жигарга айлантирган калом

Халқимизда «Хўп бўлади» деган ибора бор. Бу сўз шунчаки розилик белгиси эмас. Унинг замирида қаршингдаги инсоннинг ёшига, мартабасига бўлган ҳурмат, ўзбекона андиша ва катта бир шарқона маданият ётади. Ёки бўлмаса, кўчада умуман танимаган одамимизга ҳам «Ака», «Опа» ёхуд «Синглим» деб мурожаат қиламиз. Дунёнинг қайси тилида бегона инсонни ўз жигаридек бағрига босиш, унга қариндошлик риштаси билан юзланиш бор? Мана шу эмасми аслида тилимизнинг ҳақиқий сеҳри ва ички қуввати?

Одамлар ўртасидаги меҳр-оқибат қаерга йўқоляпти? Тилнинг софлиги ҳам айнан мана шу оқибат ва самимият билан боғлиқ. Агар биз тилимизни фақат байрам кунлари эслаб, қолган кунлари бир-биримизга қўполлик қилсак, бегона сўзларни аралаштириб гапиришни «замонавийлик» деб билсак, демак, маънавиятимизнинг ичида нимадир синган бўлади.

Аждодлар нафаси ва тарихий илдизлар

Ўзбек тили – шунчаки мулоқот воситаси эмас. У – асрлар қатида яшаётган тарих, аждодлар нафаси ва миллий руҳиятимизнинг тирик кўзгусидир. Тилимизнинг илдизлари асрлар қаърига, тупроғимизнинг бой ўтмишига туташиб кетган.

Маҳмуд Қошғарий ўзининг «Девону луғатит-турк» асарида туркий тилларнинг луғат таркиби нақадар кенг ва бой эканини илмий равишда исботлаб берган эди. Ҳазрати Алишер Навоий «Муҳокамату-л-луғатайн» асари орқали она тилимизнинг бадиий тасвир воситаларига бойлигини, энг нозик туйғуларни ифодалашда бошқа тиллардан асло қолишмаслигини амалда ва назарий жиҳатдан кўрсатди. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижодида эса бу тил янада соддалашиб, табиийлик ва бетакрор самимият касб этди.

Сўз мулкининг султонлари эътироф этган бу тилнинг кучи ва жозибаси шундаки, у фақат фикрни ифодаламайди – юракнинг энг тўридаги тебранишларни, дилнинг майин оҳангларини ҳам тилга киритади. Баъзан бошқа тилларда биргина сўз билан чекланиладиган туйғулар бизнинг тилимизда бутун бир оламни, меҳрнинг турли жилвагул кўринишларини намоён этади.

Масалан, «Айланай», «Ўргилай», «Гиргиттон бўлай» каби сўзлар инсоннинг суюкли кишиси атрофида парвона бўлишини, унинг қайғу-аламларини ўз бўйнига олишга тайёрлигини ифодалайди. «Жонимнинг ороми», «Дилбандим» иборалари муҳаббатни шунчаки ҳис-туйғу эмас, балки руҳнинг тинчлиги ва ҳаётнинг мазмуни деб билишдан туғилган. Тилдаги «-жон» қўшимчаси эса шунчаки мурожаатни эмас, қардошлик ва жигарбандлик риштасини меҳр билан боғлайди. Абдулла Қодирий бадииятида Кумушнинг Отабекка «Бегим» деб мурожаат қилиши, Отабекнинг эса «Жоним, азизим» дейиши орқали ўзбекона ибо, ҳаё ва юксак ҳурмат мужассамлашади.

Маҳмуд Қошғарийнинг илмий зукколиги, Алишер Навоийнинг бетакрор тафаккури, Бобур мирзонинг самимий ҳасратлари ва Қодирийнинг нафис бадииятидан сизиб чиққан ушбу сўзлар бугун ҳам ўзбек хонадонининг меҳрли гурунгларида, оналарнинг майин аллаларида яшамоқда. Ўзбек тилининг сеҳри шундаки, у инсонни фақат сўзлатмайди, балки уни руҳан поклайди.

Бугун замон шиддат билан ривожланмоқда, замондошларимиз, айниқса, ёшларимиз бир нечта хорижий тилларни ўрганмоқда. Фарзандларимизнинг дунё тилларини мукаммал билиши, халқаро майдонда рақобатбардош бўлиши, албатта, қувонарли ҳол. Аммо танганинг иккинчи томони ҳам бор: афсуски, бугун кўплаб ота-оналар боласини чет тилига йўналтириш асносида ўз она тилини иккинчи даражага суриб қўймоқда, фарзанди ўз тилини мукаммал билмаслигига, унутишига лоқайд қараяпти. Ваҳоланки, бошқа тилларга бўлган ҳақиқий ҳурмат ва уларни англаш, энг аввало, ўз она тилига бўлган юксак эътибор ва муҳаббатдан бошланади. Ўз тилининг латофатини тушунмаган инсон ўзга тилнинг фалсафасини ҳам англай олмайди.

Она тилимизнинг софлигини ва жозибасини асраб-авайлаш – келажак авлодга қолдирадиган энг азиз ва бебаҳо меросимиздир. Токи тилимизда меҳр каломлари янграр экан, қалбимиздаги оқибат ва миллатимиздаги заковат ҳеч қачон сўнмайди.

Модомики шундай экан, тилни асраш – бу кўчадаги пешлавҳаларни тўғрилашдан ёки расмий тадбирлардангина иборат эмас. Бу иш, аввало, оила бағрида фарзандимизга «Ассалому алайкум», «Раҳмат», «Барака топинг» деган сўзларни чин юракдан айтишни, ўз она тилида фахрланиб сўзлашишни ўргатишдан бошланади. Тил яшаши учун у оила даврасида, дўстлар суҳбатида, қалбдан чиққан дуоларда янграши керак.

Келинг, ўзимизга бир сўз берайлик: она тилимизни нафақат тилимизда, балки юрагимизда ва кундалик амалимизда асрайлик. Шундагина биз ҳақиқий маънода ўзлигимизни, миллий қиёфамизни йўқотмаган бўламиз.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ

ЖАМИЯТ
2026 йил 10 сентябрь № 35 (1002)



ОСОЙИШТАЛИК КАФОЛАТИ

Самарқанд вилоятида жиноятчилик профилактикаси ва аҳоли хавфсизлигини таъминлашнинг тизимли таҳлили



Тинчлик ва осойишталик – жамият тараққиёти, инсон қадри ва фаровон ҳаётнинг энг муҳим кафолатидир. Шу боис, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш ҳамда ҳудудларда хавфсиз муҳитни яратиш бугунги куннинг устувор вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда. Жиноят содир бўлганидан кейин уни фош этиш муҳим, албатта. Аммо ундан ҳам муҳимроғи – жиноятга замин яратувчи омилларни олдиндан кўра билиш ва унга йўл қўймасликдир. Бу борада Самарқанд вилоятида профилактика ишларини «маҳаллабай», «хонадонбай» ва манзилли ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилаётгани ўз самарасини бермоқда.

Тезкорлик – натижа гарови

Бугунги кунда осойишталикни таъминлашда рақамли тизимларнинг ўрни беқиёс. Маълумотларга кўра, 2026 йилнинг ўтган етти ойи давомида вилоят Тезкор-бошқарув марказларига жиноят ва ҳодисалар бўйича 190 минг 605 та хабар келиб тушган ва уларнинг барчаси «Е-материал» тизимида рўйхатга олинган. Эътиборли жиҳати, ушбу мурожаатларнинг 168 мингдан ортиғи «112» ягона диспетчерлик тизими орқали қабул қилинган.

Ҳисобот даврида тергов-тезкор гуруҳлари 31 минг 794 маротаба, профилактика инспекторлари эса 102 минг 461 маротаба ҳодиса жойларига тезкорлик билан сафарбар этилди. Бу рақамлар фуқаролар мурожаатларига соняларда муносабат билдириш ва ҳар бир муаммони жойида, қонуний ҳал этишга қаратилган тизимли ёндашув мавжудлигидан далолат беради.

Киберхавфсизлик: Рақамли дунё қалқони

Замонавий технологиялар ҳаётимизга кенг кириб бориши билан бирга, глобал тармоқдаги жиноятчилик хавфи ҳам ортиб бормоқда. Етти ой давомида вилоятда ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилган 4 минг 904 та жиноят қайд этилган бўлиб, уларнинг 95,4 фоизини банк карталаридаги маблағларни талон-торож қилиш билан боғлиқ ўғрилик ва фирибгарликлар ташкил этмоқда.

Мазкур таҳдидга қарши курашишда фақатгина жазо чоралари эмас, балки аҳолининг рақамли саводхонлигини ошириш энг тўғри йўлдир. Шу мақсадда вилоятда рақамли хавфсизлик бўйича 35 минг 489 та тарғибот тадбири ўтказилиб, уларда 2 миллион 684 мингдан ортиқ фуқаро қамраб олинди. Ижтимоий тармоқларда эълон қилинган профилактик материаллар эса 11 миллион 754 мингдан ортиқ марта кўрилди. Тизимли тушунтириш ишлари натижасида вилоятдаги 477 та маҳаллада етти ой давомида АКТ соҳасида бирор-бир жиноят қайд этилмаган.

Ёшлар ўртасидаги ижобий бурилиш

Жиноятчилик профилактикасида эртамиз эгалари бўлган ёшлар билан манзилли ишлаш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, касб-ҳунарга ва меҳнатга жалб қилиш бош мезон ҳисобланади. Бу йўналишдаги тизимли чора-тадбирлар Самарқандда ёшлар жиноятчилиги сезиларли даражада камайишига олиб келди.

Хусусан, 2026 йилнинг етти ойида ёшлар томонидан 374 та жиноят содир этилган бўлиб, бу ўтган йилнинг мос даврига (614 та) нисбатан 240 тага ёки 39,1 фоизга камдир. Айниқса, Тайлоқ, Пахтачи, Нуробод, Пастдарғом ва Қўшработ туманларида бу борадаги кўрсаткичлар кескин ижобий томонга ўзгарган.

«Яшил» маҳаллалар салмоғи ортмоқда

Маҳалла – жиноятчилик профилактикасининг энг муҳим ва бирламчи бўғинидир. Ҳудуддаги ижтимоий муҳит, оилавий муносабатлар, аҳоли бандлиги криминоген вазиятга бевосита таъсир кўрсатади.

Олиб борилган маҳаллабай ўрганишлар натижасида Самарқанд вилоятида жиноят содир этилмаган маҳаллалар сони 482 тадан 577 тага етказилди. Бу вилоятдаги жами маҳаллаларнинг 54,3 фоизини ташкил этади. Шунингдек, жиноятчилик вазияти оғир бўлган 28 та «қизил» маҳалла «сариқ», 85 та «сариқ» маҳалла эса «яшил» (хавфсиз) тоифага ўтказилди. Бундай кўрсаткич оилавий низоларни барвақт бартараф этиш ва муаммоларни жойида аниқлаш тизими ишлаётганининг амалий ифодасидир.

Инсон ҳаёти ва хавфсиз ҳаракат

Фуқаролар хавфсизлиги йўл ҳаракати хавфсизлиги билан ҳам узвий боғлиқ. Етти ой давомида вилоятда йўл-транспорт ҳодисалари билан боғлиқ жиноятлар 364 тани ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 29,6 фоизга камайишига эришилди. Бунга йўл инфратузилмасини яхшилаш, йўл белгилари ва чизиқларини янгилаш, пиёда ва велойўлаклар барпо этиш ҳамда светофорларни кўпайтириш орқали эришилмоқда.

Бундан ташқари, жиноятчилик профилактикасига инновацион ечимлар ҳам татбиқ этилмоқда. Хусусан, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида сунъий интеллектга асосланган «AI-PSIXOLOG» лойиҳасини жорий этиш устида иш олиб борилмоқда. Мазкур лойиҳа ёшлардаги агрессия, безовталик ва хавотир каби салбий психологик ҳолатларни эрта аниқлашга хизмат қилади.

Умумий масъулият ва мақсад

Самарқанд вилоятида жиноятчиликнинг олдини олиш борасидаги ишлар рақамларда ва фуқаролар кундалик ҳаётида ўз аксини топмоқда. Бироқ тўлақонли хавфсиз муҳитни фақатгина ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг кучи билан барпо этиб бўлмайди.

Бу жараёнда маҳалла фаоллари, ота-оналар, таълим муассасалари ва кенг жамоатчиликнинг бирдек масъулияти сув ва ҳаводек зарур. Зеро, тинч маҳалла – тинч оилани, тинч оила эса юртимиздаги барқарорлик ва осойишталикни таъминлайди. Самарқандда хавфсизликни мустаҳкамлаш йўлидаги изчил ислоҳотлар давом этмоқда.

Шавкатбек МУРЗАЖАНОВ,
Даврон СУЛТОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Криминология тадқиқот институти
илмий ходимлари

“ХАЛҚАРО МОВИЙ ОСМОН УЧУН ТОЗА ҲАВО КУНИ”

Марказий Осиё атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришини ўрганиш университетида бўлиб ўтган тадбир шундай номланди. Унда Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси раиси маслаҳатчиси Алишер Саломов, Японияниинг Ўзбекистондаги элчиси Кенжи Хирата, UNEPнинг Европа минтақавий бюроси минтақавий директори ўринбосари (онлайн) Хоссейн Фадаеи, ВМТ Тараққиёт дастурининг доимий вакили ўринбосари Анас Карман, «Zamin » халқаро жамоат фонди директори Азиз Ғаниев, маҳаллий ва хорижлик мутахассислар иштирок этди.

Тадбирда нутқ сўзлаган Алишер Саломов Ўзбекистонда Президент раҳбарлигида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соғлиқни сақлаш, саноат, транспорт, энергетика, қишлоқ хўжалиги ва иқлим сиёсатини ўзаро боғловчи, давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланганлигини қайд этди. У 2026–2030-йилларга мўлжалланган “Тоза ҳаво” умуммиллий лойиҳасини мисол қилиб келтирди.

“Бизнинг миллий мақсадимиз — 2030-йилга қадар атмосфера ҳавосига чиқариладиган ифлослантирувчи моддалар миқдорини 10,5 фоизга камайтириш. Мазкур мақсад аҳоли саломатлигини яхшилаш, шаҳарларимизни яшаш учун янада қулай қилиш, саноатни тозалаш ва барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга бўлган қатъий мажбуриятимизни ифодалайди”, — деди Алишер Саломов.

Раис маслаҳатчиси ўз нутқида минтақада ҳаво сифати бўйича ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Халқаро тоза ҳаво консорсиумини ташкил этиш ташаббуси илгари сурилганлигини ва ушбу ташаббус Қозоғистон Республикаси Президенти томонидан ҳам қўллаб-қувватланганлигини алоҳида таъкидлади. Ўз навбатида самарали ҳамкорлик учун Япония ҳукуматига, ВМТ Тараққиёт дастурига (UNDP), ВМТ Атроф-муҳит дастурига (UNEP), Финляндия метеорология институтига, “Zamin” фондига ҳамда барча ҳамкорларга самимий миннатдорлик билдирди.

"Замин" халқаро жамоат фонди директори Азиз Ғаниев “Тоза ҳаво” умуммиллий лойиҳаси шунчаки мониторинг стансияларини ўрнатишдан кўра анча кенгроқ маънога эга эканлигини айтиб ўтди.

"2020-йилда ҳаво сифатини мониторинг қилиш тизимини кучайтириш мақсадида бошланган ташаббус бугунги кунга келиб, ҳукумат, экспертлар, олимлар ва халқаро ҳамкорлар учун ишончли ҳаво сифати маълумотларини янада очиқ, қулай ва амалий фойдаланиш имконини берувчи кенг қамровли миллий тизимга айланди. Бу эса, пировардида, Ўзбекистон аҳолиси учун янада тоза ҳаво ва соғлом атроф-муҳитни таъминлашга хизмат қиладиган мустаҳкам замин яратмоқда", — деди у.

Тадбир давомида Ўзбекистонда ҳаво сифатини мониторинг қилиш тизими ривожига бағишланган видеоролик тақдим этилди. Шунингдек, маҳаллий ва хорижлик мутахассислар томонидан Ўзбекистонда ҳаво сифатини мониторинг қилиш тизимини ривожлантириш, ҳаво ифлосланишининг иқтисодий ва экологик таъсири, мониторинг маълумотларидан самарали фойдаланиш, шунингдек, трансчегаравий ҳаво ифлосланиши ва чанг бўронлари бўйича халқаро ва минтақавий ҳамкорликни кучайтириш ҳамда ҳаво сифатини яхшилаш каби долзарб мавзуларда маърузалар қилинди.

Хусусан, Гидрометеорология илмий-тадқиқот институти директори Дониёр Турғунов “Ўзбекистоннинг тоза ҳавони таъминлаш борасидаги тараққиёти: беш йиллик тизимли ўзгаришлар”, UNEPнинг минтақавий координатори Томас Маркес Ўзбекистонда тоза ҳавони таъминлашда UNEPнинг аҳамияти, FMI ҳаво сифати ва энергетика гуруҳи раҳбари Катя Ловен “Ҳаво сифатини замонавий мониторинг қилиш: маълумотлардан самарали ечимларгача”, БМТ Тараққиёт дастурининг атроф-муҳит ва лойиҳалар бўйича мутахассиси Гавҳар Қудайбергенова “Тоза ҳавони таъминлаш ва барқарор шаҳар ривожи учун комплекс ечимлар”, ВМТ YIK нинг Узоқ масофаларга трансчегаравий ҳаво ифлосланиши тўғрисидаги конвенсияси котиби Албена Караджова “Чегарасиз тоза ҳаво: халқаро ва минтақавий ҳамкорлик”, Экология миллий қўмитаси бош мутахассиси Азиза Шарофова эса “Ўзбекистоннинг чора-тадбирлари ва ҳаво сифатини яхшилаш режалари” мавзуларига эътибор қаратди.

Тадбир давлат ташкилотлари, халқаро ташкилотлар ва экспертларни бир жойга жамлаб, Ўзбекистоннинг ҳаво сифатини мониторинг қилиш борасидаги ютуқлари ва келгусидаги устувор йўналишларини муҳокама қилиш имконини яратди. Унда ҳаво сифатини мониторинг қилиш ва ифлосланишнинг иқтисодий таъсирини баҳолашдан тортиб, амалий чоралар ҳамда халқаро ва минтақавий ҳамкорлик масалаларигача бўлган мавзулар кўриб чиқилди. Трансчегаравий ҳаво ифлосланиши, чанг бўронлари ва халқаро ҳамкорлик механизмларидан фойдаланиш имкониятларига алоҳида эътибор қаратилди.

ЖАМИЯТ
2026 йил 10 сентябрь № 35 (1002)



ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ

Президент Шавкат Мирзиёев мамлакатимиз мустақиллигининг 35 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг энг муҳим ва тарихий натижаларидан бири – камбағалликни қисқартириш борасида эришилган муваффақиятлар ҳусусида алоҳида тўхталиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари камбағаллик масаласини очиқ тан олиб, уни кескин қисқартириш бўйича Ўзбекистоннинг ўзига хос ва дунё ҳамжамияти томонидан эътироф этилаётган тажрибаси шаклланганини таъкидлади. Сўнгги 10 йил давомида мамлакатимизда камбағаллик даражаси 2017 йилдаги 35 фоиздан бугунги кунга келиб 4 фоизгача туширилди.

Бу – шунчаки қуруқ статистик кўрсаткич эмас. Президентимиз таъкидлаганидек, ушбу рақамлар замирида рўзғорига барака кириб, турмуш сифати яхшиланган 10 миллион инсоннинг қувончи ва шукроналик туйғулари бор. Бу кўрсаткич миллионлаб оилалар даромадининг ортиши, янги касб ва меҳнат имкониятларининг пайдо бўлиши, фарзандлар таълими ва яшаш шароитининг сифат жиҳатидан ўзгариши каби ҳаётий омилларда намоён бўлмоқда.

Камбағалликка янгича ёндашув: Муаммога эмас, инсонга қараб ишлаш

Дарҳақиқат, сўнгги йилларда мамлакатимизда камбағаллик ҳодисасига муносабат тубдан ўзгарди. Илгариги ёндашувларда у бевосита ижтимоий ёрдам ва нафақалар ажратиш билан боғлиқ масала сифатида кўрилган бўлса, бугунги кунда мураккаб ва комплекс ижтимоий-иқтисодий ҳодиса сифатида баҳоланмоқда.

Зеро, инсоннинг камбағаллик ҳолатига тушиб қолиши биргина омилга боғлиқ эмас. Ишсизлик, касбий малаканинг етарли эмаслиги, соғлиқни сақлаш ва таълим имкониятларининг чекланганлиги ҳамда яшаш инфратузилмасидаги узилишлар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Шу боис, мамлакатимизда эҳтиёжманд оилалар билан “маҳаллабай” ишлаш тизимининг жорий этилгани қатиятли аҳамиятга эга бўлди. Бу тизим орқали оиланинг фақат моддий ҳолати эмас, балки унинг касбий салоҳияти, соғлиғи, фарзандлар таълими ва яшаш шароитлари комплекс ўрганилиб, “муаммога эмас, инсонга” қараб ишлаш тамойили қарор топди.

Меҳнат ва касб – камбағалликдан чиқишнинг энг барқарор йўли

Камбағаллик ва меҳнат бозори тадқиқотлари институтида олиб борилаётган илмий, назарий ва амалий тадқиқотлар натижаларидан келиб чиқадиган бўлсак камбағалликни барқарор қисқартиришнинг бош омили – инсоннинг муносиб ва барқарор даромад манбаига эга бўлишидир.

Бир марталик ёки вақтинчалик моддий кўмак инсоннинг муайян даврдаги эҳтиёжини қоплаши мумкин, аммо уни камбағаллик қопқонидан тўлиқ олиб чиқа олмайди. Бунинг учун, аввало, меҳнат қилиш, замонавий касб-ҳунар эгаллаш, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш ва шахсий салоҳиятни рўёбга чиқариш учун кенг имкониятлар яратилиши зарур.

Бугунги тез ўзгараётган ва рақамлашаётган меҳнат бозори шароитида бир марта олинган касбий таълим етарли эмас. Технологияларнинг янгиланиши ва меҳнат мазмунининг ўзгариши ходимдан доимий равишда янги кўникмаларни ўзлаштиришни, ўз устида мунтазам ишлашни, давомли изланишда бўлишни талаб этмоқда. Шу сабабли, камбағалликни қисқартириш сиёсати бевосита инсон капиталини ривожлантириш ва меҳнат бозори сиёсати билан уйғун ҳолда олиб борилиши лозим.

Келгуси ўн йиллик: 7 та миллий дастур ва янги стратегик босқич

Камбағаллик даражасининг 4 фоизгача туширилгани – улкан марра, аммо бу жараённинг ниҳояси эмас. Давлатимиз раҳбари ўз нутқида келгуси ўн йиллик Ўзбекистон учун “миллий юксалиш даври” бўлишини таъкидлаб, инсон қадрини юксалтиришга қаратилган 7 та миллий дастурни илгари сурди.

Институтимиз тадқиқотлари ва таҳлиллари шуни кўрсатадики, ушбу дастурларнинг асосий йўналишлари камбағалликни қисқартириш, меҳнат бозорини ривожлантириш ва аҳоли фаровонлигини оширишнинг янги пойдеворини яратади:

1. Билим ва малакани ривожлантириш дастури.

Биринчи миллий дастур билим ва малакани тараққиётнинг асосий капиталига айлантиришни назарда тутади. Техникумларда халқаро таълим стандартларини жорий этиш, ёшларни юқори даромадли касбларга ўқитиш орқали касбий таълим қамровини 1 миллион нафарга етказиш ҳамда “Янги Ўзбекистонда касб эгалламаган бирорта йигит-қиз қолмайди” деган эзгу мақсад белгиланди.

Камбағалликни қисқартириш айнан шу нуқтадан бошланади: касб ва билимга эга бўлган инсон рақобатбардош кадрга айланади ва ўз оиласининг фаровонлигини мустақил ва барқарор таъминлаш имкониятига эга бўлади.

2. Юқори технология ва меҳнат унумдорлиги моделига ўтиш.

Учинчи миллий дастурда иқтисодиётимизни юқори технология ва меҳнат унумдорлиги моделига ўтказиш таклиф этилмоқда. Унга кўра, келгуси ўн йилда 450 миллиард доллар хорижий инвестиция жалб қилиш, 2030 йилгача ЯИМ ҳажмини 300 миллиард долларга етказиш ва саноатда 2 миллионта юқори даромадли иш ўрни яратиш мақсад қилинган.

Бу ислоҳотлар камбағалликка қарши кураш сиёсатини янги босқичга олиб чиқади. Эндиги асосий вазифа шунчаки “иш ўрни яратиш” эмас, балки юқори унумдор ва муносиб даромад келтирадиган иш ўринларини шакллантиришдан иборат. Юқори меҳнат унумдорлиги ва иш ҳақининг ортиши мамлакатда ўрта даромадли аҳоли қатламини кенгайтиради ва қайта камбағаллашув хавфининг олдини олади.

3. Маҳаллани тараққиётнинг асосий буюртмачисига айлантириш.

Олтинчи миллий дастурда маҳаллани жамият тараққиётининг асосий буюртмачисига айлантиришга йўналтирилган бўлиб, маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий мавқеини тубдан оширади. Туман бюджети ва инфратузилма лойиҳалари айнан маҳалла буюртмаси асосида шакллантирилади.

Маҳалла – камбағаллик омилларини ва меҳнат ресурсларининг реал ҳолати энг аниқ кўринадиган бўғиндир. Қайси оилага касбий таълим, қайси бирига тадбиркорлик ёки инфратузилма зарурлигини маҳалланинг ўзи белгилаши “маҳаллабай” ишлаш тизимининг самарадорлигини максимал даражага олиб чиқади.

“Билимдан – фаровонликка” ягона ривожланиш занжири

Президентимиз нутқида илгари сурилган ушбу стратегик йўналишлар бир-бири билан мустаҳкам боғланган ягона ва мукаммал занжирни ҳосил қилади:

Яъни, Билим ва малака – Муносиб касб – Юқори унумдор меҳнат – Юқори даромадли иш ўрни – Оила фаровонлиги – Камбағалликнинг барқарор қисқариши;

Ушбу занжирнинг энг муҳим концептуал аҳамияти шундаки, у инсонни шунчаки ижтимоий ёрдам ёки нафақа олувчи субъектдан, фаол иқтисодий ва касбий фаолият субъектига айлантиради.

Хулоса ўрнида айтишимиз мумкин-ки, мамлакатимизда камбағалликни қисқартириш борасида эришилган натижалар ва илгари сурилган 7 та миллий дастур ижтимоий сиёсатнинг мазмун-моҳияти сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилганидан далолат беради.


Эндиликда камбағалликни қисқартириш сиёсатининг самарадорлигини баҳолашда нафақат ажратилган ёрдам ва нафақалар сони, балки:

- қанча инсон замонавий касб ва кўникмани эгаллагани;
- қанча оила барқарор ва юқори даромадли иш ўрнига эга бўлгани;
- ҳудудларда меҳнат унумдорлиги қай даражада ошгани;
- қанча оила камбағалликка қайта тушиш хавфидан батамом чиққани асосий мезонга айланади.

Янги Ўзбекистонда камбағалликни қисқартириш – бу шунчаки рақамларни пасайтириш эмас. Бу – ҳар бир инсонга муносиб ҳаёт кечириш, ўз меҳнати ва билими билан фаровон келажагини қуриши учун имконият яратишга қаратилган инсонпарвар сиёсатнинг амалий ифодасидир.

Дилмурод ИЗЗАТОВ,
Камбағаллик ва меҳнат бозори тадқиқотлари институти илмий ходими

ЖАМИЯТ
2026 йил 10 сентябрь № 35 (1002)



МАЪРИФАТ КОШОНАСИ

Муҳаммад ал-Хоразмийнинг илмий мероси бугунги кундаги математика, информатика, компьютер технологиялари ва аниқ фанлар тараққиётининг мустаҳкам пойдеворини ташкил этади. Шунинг учун у жаҳон илм-фани тарихида буюк алломалардан бири сифатида эътироф этилади.

Аҳмад ал-Фарғоний астрономия, математика, география ва муҳандислик соҳалари ривожига улкан ҳисса қўшган. У ернинг ўлчамини аниқлашга ҳисса қўшганлиги туфайли астрономия ва география соҳаларида муҳим кашфиётлар муаллифи сифтида эътироф этилади. Абу Наср Форобий фалсафа, мантиқ, математика, мусиқа, сиёсатшунослик ва таълим соҳалари ривожига улкан ҳисса қўшган. Мазкур соҳа бўйича биринчи устоз сифатида Аристотель эътироф этилса, Форобий “Муаллим ас-соний” (Иккинчи устоз) деган шарафли номга сазовор бўлган. У фалсафа фанини ривожлантириш билан бирга, мантиқ илмини ҳам такомиллаштирган. Идеал жамият ва давлат назариясини яратиш орқали сиёсатшунослик соҳасида ҳам машҳур олим ҳисобланади.

Биринчи Ренессанс намоёндаларидан бири Абу Райҳон Беруний ҳисобланади. Ушбу олим жаҳон илм-фани тарихида ўчмас из қолдирган буюк қомусий олимдир. Ушбу олим ҳам астрономия, математика, география, геодезия, физика, минералогия, фармакология, тарих ва этнография соҳаларига улкан ҳисса қўшган энциклопедис олим сифатида эътироф этилган. Абу Райҳон Беруний тажриба, кузатув ва аниқ ҳисоб-китобларга асосланган илмий ёндашувни ривожлантирган буюк аллома сифатида унинг илмий мероси бугунги замонавий астрономия, география, геодезия ва табиий фанлар тараққиёти учун муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилиб келинаётганлиги аниқ мисолларда кўрсатиб берилган.

Жаҳон илм-фани тарихида энг буюк алломалардан бири ҳисобланадиган Абу Али ибн Сино тиббиёт, фалсафа, мантиқ, кимё, физика, математика, астрономия ва психология соҳалари ривожига беқиёс ҳисса қўшган. Ғарб мамлакатларида у Авиценна номи билан машҳур. Ибн Сино инсон организми, касалликларнинг келиб чиқиши, ташхис қўйиш, даволаш ва профилактика усулларини илмий асосда такомиллаштирди. Буларни жамлаб, машҳур «Тиб қонунлари» асарини яратди. Мазкур асари дунё тиббиётининг энг муҳим манбаларидан бири бўлиб, Европа университетларида бир неча асрлар давомида асосий дарслик сифатида ўқитилган.

Иккинчи Ренессанс – Темурийлар даври

Ислом цивилизацияси марказида алоҳида эътиборни тортадиган нарса – Иккинчи Ренессанс, яъни Темурийлар даврида (XIV–XVI асрлар) илм-фан, адабиёт ва санъатнинг юксак тараққиёт босқичига кўтарилгани ифодасидир. Соҳибқирон Амир Темур айнан шу даврда марказлашган давлат барпо этиб, илм-фан ва маданият ривожи учун етарли даражада шароитлар яратади. Унинг жаҳон илмига қўшган ҳиссаси бевосита илмий кашфиётлар қилишдан кўра, илм-фан ривожланиши учун мустаҳкам сиёсий, иқтисодий ва маданий муҳит яратиш билан боғлиқ. Бу давр кейинчалик “Темурийлар Ренессанси” деб аталган илмий-маданий юксалишга асос солган

Жаҳон цивилизациясига Амир Темурнинг қўшган энг катта хизмати – у илм-фан ривожи учун барқарор давлат, кучли таълим муҳити ва илмий марказлар яратган. Шу боис у нафақат буюк саркарда, балки жаҳон илм майдонида илм-фан ва маданият ҳомийси сифатида ҳам эътироф этилганлигини кўриш мумкин.

Жаҳон илмига улкан ҳисса қўшган Мирзо Улуғбек машҳур астроном, математик ва таълим соҳаларини янги босқичга олиб чиққан XV асрнинг энг йирик олимларидан биридир. У Самарқандда Улуғбек расадхонасини барпо этган асосчиси сифатида «Зижи Жадиди Кўрагоний» асарини яратган. Бу асарда 1000 га яқин юлдузнинг аниқ координатлари келтирилган бўлиб, ундан бир неча асрлар давомида Европа ва Шарқ олимлари асосий манба сифатида фойдаланган ва шу тариқа Самарқанд жаҳоннинг йирик илм марказига айланган. Хуллас, илм-фан давлат сиёсати даражасига кўтарилган.

«Бобурнома» муаллифи ва Бобурийлар сулоласи асосчиси Заҳириддин Муҳаммад Бобур жаҳон илм-фани, тарихи ва маданиятига катта ҳисса қўшган қомусий шахс ҳисобланади. У нафақат давлат арбоби ва саркарда, балки тарихчи, географ, адабиётшунос, тилшунос ва табиат кузатувчиси сифатида ҳам танилгани экспонатларда аниқ ифодаланган. Заҳириддин Муҳаммад Бобур жаҳон илм-фанига тарих, география, табиатшунослик, адабиёт ва тилшунослик соҳалари орқали улкан ҳисса қўшган.

Улуғбек илмий мактабининг етакчи олимларидан Қозизода Румий математик ҳисоблаш усулларини ривожлантириш, астрономик тадқиқотларни такомиллаштириш ва Самарқанд илмий мактабини шакллантириш орқали жаҳон илм-фани тараққиётига улкан ҳисса қўшган алломалардан бири экани ҳам ушбу марказда ўз ифодасини топган.

Аниқ ҳисоб-китоблари ва математик ишлари билан машҳур Ғиёсиддин Жамшид Коший алломалардан бири эканлиги кўргазмалар залида ўзининг аниқ ифодасини топган. Бу инсон XV асрнинг буюк математиги, астрономи ва муҳандиси бўлиб, жаҳон илм-фани тараққиётига улкан ҳисса қўшган олимлардан бири ҳисобланади. У Мирзо Улуғбек даврида Самарқанд илмий мактабида фаолият юритган. Аллома ўнли касрлардан аниқ ва кенг фойдаланиш усулларини ишлаб чиққан. Бу усул кейинчалик бутун дунё математикаси ривожига катта таъсир кўрсатган. Шу тариқа Темурийлар даврида Самарқанд дунёнинг етакчи илм-фан марказларидан бирига айланган.

Қуръон зали

Қуръон зали Ислом цивилизацияси марказининг муҳим бўлимларидан бири ҳисобланади. Ушбу зал экспозициялар энг муҳим ва диққатга сазовор қисмларидан бири сифатида шакллантирилган. Бунда Усмон Мусҳафи марказий ўринни эгаллайди. Қуръони Каримнинг нозил бўлиши, жамланиши ва турли даврларда кўчирилиши ҳақида маълумотлар ҳам келтирилган. Булардан ташқари турли асрларга мансуб Қуръоннинг ноёб қўлёзмалари ва нусхалари ва хаттотлик санъати намуналари ҳам тақдим этилган.

Бу ерда эътиборни тортадиган энг муҳим жиҳатлардан яна бири – интерактив экранлар, электрон маълумотлар ва визуал кўргазмалар орқали ташриф буюрувчиларга кенг маълумот берадиган замонавий мультимедиа технологияларидан етарли даражада фойдаланилганлигидир. Мазкур бўлимда Қуръоннинг инсонпарварлик, илм-маърифат, бағрикенглик ва ахлоқий қадриятларга оид ғоялари ёритилган бўлиб, унинг маънавий аҳамияти ҳам тўлиқ очиб берилган.

Бугун Янги Ўзбекистонда Учинчи Ренессанс пойдевори шаклланмоқда. Бу жараён иштирокчилари ўзимиз – ёшлар, олимлар, ўқитувчи ва устозлар, тадқиқотчилар, муҳандислар, шифокорлар, тадбиркорлар ва ижодкор зиёлилар, турли касб эгаларидирлар. Таълим, илм-фан, инновация ва маънавият соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотлар Учинчи Ренессанснинг асоси сифатида қаралмоқда.

Шу нуқтаи назардан давлатимиз раҳбари томонидан келажак бунёдкорлари бўлган ёшларга, уларга билим ва маърифат тарқатувчи устозлар ва педагогларга, янги илм-фан яратувчилари бўлган олимлар ва тадқиқотчиларга алоҳида эътибор берилаётганини катта мамнуният билан таъкидлаймиз.

Мамаюнус ПАРДАЕВ,
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессори, иқтисодиёт фанлари доктори

ЖАМИЯТ
2026 йил 10 сентябрь № 35 (1002)

КЕЛАЖАКНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИ

Янги ўқув йили ҳар бир хонадонга янги орзу-умидлар, эзгу мақсадлар ва катта режалар билан кириб келмоқда. Маърифат заминида бўй кўрсатаётган ҳар бир ниҳол – мамлакатимизнинг эртанги куни, келажакдаги таянчидир. Бугун Янги Ўзбекистонда мактаб таълимини ривожлантириш, ўқитувчи касбининг нуфузини ошириш ва ёш авлодга замонавий билим бериш давлат сиёсатининг энг устувор йўналишига айланди.



Президентимиз Шавкат Мирзиёев мамлакатимиз мустақиллигининг 35 йиллик байрами муносабати билан сўзлаган тантанали табригида таъкидлаганларидек: «Биз бугун кечагидан кучлимиз. Насиб этса, эртага бундан ҳам кучли бўламиз. Ўттиз беш йиллик мустақил тараққиёт йўлимиз бизга бир ҳақиқатни ўргатди: халқ ва давлат ягона мақсад йўлида бирлашиб, астойдил ҳаракат қилса, забт этиб бўлмайдиган марранинг ўзи йўқ. Бундай буюк қудратга эга халқ ва давлатни енга оладиган кучнинг ўзи йўқ. Биз ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва буюк келажагимизни биргаликда барпо этамиз!». Давлатимиз раҳбарининг бу сўзлари ҳар бир педагог ва юртимиз тараққиётига дахлдор ҳар бир фуқаро қалбида юксак ишонч ва масъулият туйғусини уйғотади.

Сўнгги йилларда соҳада амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, янги авлод мактабларининг барпо этилиши, таълим дастурларининг халқаро стандартларга мослаштирилаётгани ва ўқитувчиларга яратилаётган имкониятлар сўзимизнинг яққол исботидир.

Бироқ, очиқ тан олиш керакки, таълим-тарбия жараёни фақатгина мактабнинг ёки ўқитувчининг зиммасидаги вазифа эмас. Афсуски, айрим ота-оналарнинг фарзандига бўлган эътиборсизлиги, унинг кийими, озодалиги ва кундалик ўқув жиҳозларининг тугал эканига лоқайд қараши кишини ўйлантиради. Баъзилар ҳатто боласининг мактабга тайёргарлиги билан қизиқмай, барча масъулиятни фақат мактабга юклаб қўймоқда. Ҳолбуки, уйда ота-она томонидан боланинг дарслари суриштирилмаса, «Бугун мактабда нима ўргандинг, қандай янгилик бор?» деб савол-жавоб қилинмаса, фарзандда масъулият ҳисси шаклланмайди. Унутмаслик керакки, тарбия ва эътибор аввало оиладан бошланади.

Таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Мактаб – фақатгина фан асослари ўргатиладиган маскан эмас, балки комил инсон, ватанпарвар ва эътиқодли шахс камол топадиган муқаддас даргоҳдир. Мураббийларимизнинг бош мақсади – ўқувчиларга нафақат замонавий билим ва хорижий тилларни ўргатиш, балки уларнинг қалбида миллий қадриятларимизга садоқат туйғуларини сингдиришдир.

Бизнинг Зангиота туманидаги 42-сонли умумтаълим мактаби жамоаси ҳам янги ўқув йилига катта тайёргарлик ва қатъий режалар билан қадам қўймоқда.

Янги ўқув йилидаги асосий вазифаларимиз ва устувор йўналишларимиз:

* Сифатли таълим ва инновация: Замонавий педагогик технологияларни ва рақамли таълим воситаларини дарс жараёнига кенг жорий этиш.

* Касб-ҳунарга йўналтириш: Ўқувчиларнинг қизиқишларига қараб, уларни эрта ёшдан замонавий касбларга ва хорижий тилларни пухта эгаллашга ундаш.

* Маънавий-ахлоқий тарбия: «Китобхонлик соатлари», маърифий учрашувлар ва спорт тўгараклари орқали ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш.

* Оила ва мактаб ҳамкорлигини мустаҳкамлаш: Фарзандининг кийими, ўқув анжомлари ва кундалик дарсларга тайёргарлигини назорат қилишни унутмайдиган, оилавий тарбияни унутмаган ҳолда мактаб билан яқиндан ҳамкорлик қиладиган муҳитни кучайтириш.

Устозлик – дунёдаги энг шарафли ва масъулиятли касб. Янги 2026-2027 ўқув йилида барча ҳамкасбларимизга сиҳат-саломатлик, толиби илмларга эса юксак зафарлар тилайман. Мактаб ва оила бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилгандагина кўзланган олий мақсадларга эришиш мумкин. Ёшларимизнинг билими, ақл-зироати ва интилиши Янги Ўзбекистонимизни янада юксак чўққиларга олиб чиқишига ишончимиз комил.

Малика ИБРАГИМОВА,
Зангиота туманидаги 42-сонли умумий ўрта таълим мактаби директори

САЛОМАТЛИК КУШАНДАСИ

Бухоро вилояти Экология бош бошқармаси матбуот хизмати хабар беришича, Шофиркон туманида қонунбузилиш ҳолати аниқланган.

Хусусан, туманнинг Қуришкент ҳудудида фуқаронинг хазон ва ўсимлик қолдиқларини ёқаётгани маълум бўлган. Аниқланган ҳолат юзасидан фуқарога нисбатан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 88-моддаси 3-қисми асосида маъмурий чора кўрилган. Ҳуқуқбузарга 1 миллион 320 минг сўм миқдорида жарима қўлланилган.

Экология мутасаддилари хазон ва ўсимлик қолдиқларини ёқиш ҳавони ифлослантириши, инсон саломатлиги ҳамда атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатишини эслатмоқда.



МУАССИСЛАР:

Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси

Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди

Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси

Таҳрир ҳайъати:

Азиз АБДУҲАКИМОВ
Қаҳрамон ҚУРАНБОЕВ
Актам ҲАЙИТОВ
Камолиддин ИШАНХОДЖАЕВ
Отабек ҲУСАНОВ

Бош муҳаррир
Мақсуд ЖОНИХОНОВ

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил:
Буюк Турон кўчаси 41.
Буюртма рақами Г-910
Адади: 3018
Пайшанба куни чиқади.
Қоғоз бичими А-3,
ҳажми 3 босма табоқ.
Баҳоси келишилган нархда.

2024 йил 2 августда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 0010-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.
ISSN 2010-7722

Боғланиш учун телефонлар:
99-994-70-52
98-111-48-29
Электрон почта:
jamiyat@umail.uz
Газета индекси – 131
“ЖАМИЯТ”дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Топширилган вақти: 20:00
1 2 3 4 5 6

ЖАМИЯТ

2026 йил 10 сентябрь № 35 (1002)



ЮРАГИМИЗДАГИ ҚЎРҚУВ ЭНДИ ЙЎҚ

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев мустақиллигимизнинг 35 йиллигига бағишланган тантанадаги сўзлаган нутқида бу азиз неъматнинг тарихий аҳамияти, бугунги ва келгуси ҳаётимиздаги аҳамияти ҳақида ҳақиқатни очиқчасига айтди. Ўзбек халқи тарихан мустақил бўлсада, “пахта қуллиги”, “мажбурий меҳнат ва болалар меҳнати”, “конвертатсия чеклови”, “прописка” каби кишанлардан халос бўлмади. У киши ислоҳотларга киришган биринчи кунларданоқ халқнинг қалбига қулоқ солди, аҳолининг дардига дармон бўлишни мақсад қилди, “Инсон қадри учун!” деган ғояни давлат сиёсатининг марказига олиб чиқди. Нутқдаги “Биринчи галда “пахта қуллиги”, “мажбурий меҳнат ва болалар меҳнати”, “конвертатсия чеклови”, “прописка” каби одамларни йиллар давомида қийнаб келган муаммоларга барҳам бердик” деган гаплаб мени ва аниқ билан миллионлаб юртдошларимизни тўқинлантириб юборди.

Пахта даласида қолган авлод тақдири

Ҳозир менинг ёшим 45 да бўлса, деярли 25 йиллик пахта териш бўйича стажим бор. Айни билим оладиган ўқувчилик давримизда баҳорги ва кузги пахта ишларида умрим ўтди. Кейин олий таълимда, ҳатто ишхоналаримизда ҳам пахта теришда давом этдик. Умри, имкониятлари пахтага алмаштирилган, ўғирланган мен ва мен каби миллионлаб ўзбек ёшларининг тақдирида шу кунлар битилган экан.

Бу даврдаги «пахта режаси» қоғоздаги рақамдек кўрингани билан, унинг ортида минглаб хўжаликларнинг тақдири турар, фермер ернинг эгасидек кўринса-да, нимани экиш, қанча етиштириш ва ҳосилни кимга топшириш масалаларида унинг эркинлиги чекланган эди. Пахта белгиланган миқдорда етиштирилмаса, маҳаллий маъмуриятнинг босими, ердан маҳрум бўлиш ёки бошқа жазо чораларидан қўрқув кучли эди. Шу маънода пахта сиёсати нафақат иқтисодий, балки маъмурий ҳукмронлик воситасига ҳам айланган эди. Ўйлашимча, «пахта қуллиги» деганда фақат фермернинг мажбуриятини тушуниш камлик қилади. Ҳар йили куз келиши билан мамлакатдаги миллионлаб одамларни пахта далаларига сафарбар қилиш амалиёти унутиб бўлмайдиган ҳақиқат. Ўқитувчи синфини ташлаб далага кетар, шифокор беморини қолдириб пахта теримига юборилар, талаба ўқишини тўхтатиб пахта ҳосилини йиғишга сафарбар этиларди. Ҳар йили теримда миллионлаб фуқаро, жумладан ўқитувчи, шифокор ва ҳамширалар, ҳатто ҳарбийлар ҳам мажбурий меҳнатга жалб этилгани ҳақида аниқ фактлар бор.

Бу тизимнинг энг оғриқли жиҳатларидан бири инсоннинг «йўқ» дейиш ҳуқуқи амалда заифлашганида эди. Тан олиш керак, пахта теримига бориш кўп ҳолларда ихтиёрий меҳнат эмас, маъмурий топшириқ сифатида қабул қилинган. Пахта мавсумида қишлоқларда тўйлар тўхтатиларди, қишлоқлар, идоралар, мактаблар ҳувиллаб қоларди. Айрим ҳолларда одамлар теримга чиқиш ўрнига бошқа одамни ёллаш ёки белгиланган пулни тўлаш йўлини қидиришга мажбур бўлган. БМТ таҳлилига кўра, 1992–2017 йиллар оралиғида ҳар йили Ўзбекистон катта ёшли аҳолисининг тахминан тўртдан бири пахта теримида мажбурий меҳнат тажрибасини бошдан кечирган.

Пахта даласига юборилган одам учун бу фақат меҳнатнинг оғирлиги эмас, балки кун бўйи иссиқда эгилиб пахта териш, белгиланган кунлик меъёрни бажариш, кечқурун чарчоқ билан вақтинчалик ётоқ жойга қайтиш, бутун жамиятнинг «режа бажарилиши» учун инсон саломатлиги ва вақти қурбон қилинаётганини англатарди. Айрим ҳолларда овқат ва транспорт харажатлари ҳам теримчининг топган маблағидан ушлаб қолингани қайд этилган. Пахта териб кўрмаган синфдошларимиз, кейинчалик курсдошларимиз ёки ҳамкасбларимиз пахта теримидан қарздор бўлиб қайтишарди. Ачинрали жиҳати, ўқувчиларнинг пахтага жалб этилиши эса бу тизимнинг энг оғир саҳифаларидан бири бўлди. Собиқ совет давридан бошланган мактаб ўқувчиларини пахта теримига сафарбар қилиш амалиёти мустақилликнинг дастлабки ўн йилликларида ҳам турли шаклларда давом этди.

Ўқитувчи учун бу яна бир оғир зиддиятни келтириб чиқарди: у болага таълим бериши керак бўлган пайтда пахтазорда юрарди. Шифокор ва ҳамширанинг вазифаси эса беморга хизмат қилиш бўлса-да, терим мавсумида улар ҳам даладан жой оларди. Натижада мажбурий меҳнат нафақат ходимнинг ўз ҳуқуқларига, балки у хизмат кўрсатиши керак бўлган жамият аъзоларига ҳам таъсир қиларди. Энг оғриқли масалалардан бири болаларнинг пахта теримига жалб этилиши эди. Совет давридан қолган бу амалиёт мустақилликнинг дастлабки йилларида ҳам турли кўринишларда давом этди. Болалик ва таълим ўрнига пахтазорда меҳнат қилиш кўплаб авлодлар хотирасида оғир хотира бўлиб қолди. Бироқ тарихий ҳақиқатни айтишда бир жиҳатни унутмаслик керак: мажбурий меҳнат муаммосининг илдизлари фақат ўша даврда бошланмаган. Пахта яккаҳокимлиги, марказлашган режалаштириш ва оммавий сафарбарлик тизими собиқ совет даврида шаклланган эди. Мустақилликдан кейин эса бу тизимнинг айрим механизмлари сақланиб қолди. Шу билан бирга, мустақил Ўзбекистонда бу амалиётнинг сақланиб қолгани учун давлат сиёсатининг масъулияти ҳақида гапириш зарур. Мамлакатимиз мустақил бўлганидан кейин инсон меҳнатига муносабат ҳам ўзгариши керак эди. Фуқаронинг меҳнат қилиш ёки қилмаслик ҳақидаги иродаси ҳурмат қилиниши, давлат вазифаси эса одамни мажбурлаш эмас, унинг меҳнати учун муносиб шароит ва ҳақ яратиш бўлиши лозим эди.

Бу даврдаги мажбурий меҳнат ҳақида гап кетганда, рақамлар ортида турган ҳазрати инсонни унутмаслик керак. У даладан чарчаб қайтган ўқитувчи, беморларини ўйлаб турган ҳамшира, ўқиш ўрнига теримга чиққан талаба, оиласини боқиш учун оғир меҳнат қилган деҳқон эди. Тарихни холис баҳолаш кимнидир мутлақо қоралаш ёки оқлаш эмас. Ҳақиқат шундаки, давлатнинг ҳар қандай иқтисодий мақсади инсон қадри ва унинг эркин меҳнат қилиш ҳуқуқидан устун қўйилмаслиги керак. Ўзбекистоннинг ўтмишдаги мажбурий меҳнат тажрибасидан чиқарадиган энг муҳим сабоқ ҳам шу.

Конвертация девори ортидаги ҳаёт

Бундаги муаммонинг энг оғриқли томони шунда эдики, бир хил доллар турли одам учун турлича «нарх»га эга бўлиб қолди. Расмий курс бор эди, банклардаги курс аниқ белгиланган, яна кўчадаги норасмий бозор курси мавжуд эди. 1997 йилнинг биринчи чорагида расмий ва «қора бозор» курслари ўртасидаги фарқ 150 фоиздан ҳам ошиб кетгани ХВЖ ҳисоботида қайд этилган. Демак, қоғоздаги курс билан одамнинг реал ҳаётида дуч келган курс ўртасида катта жарлик пайдо бўлди. Мендек оддий одам учун бу рақамлар қуруқ статистика эмасди. Чет элдан кийим-кечак, техника ёки бошқа товар олиб келишни истаган тадбиркор хорижий валюта топишда қийинчиликка дуч келарди. Хорижда ўқиётган фарзандига пул юбормоқчи бўлган ота-она учун ҳам валюта масаласи оддий банк операцияси эмас, муаммоли жараёнга айланиши мумкин эди. Айрим импортчилар учун эса валютани расмий бозордан олиш имконияти устувор тоифалар ва квоталар билан боғланган эди.

Ўйлашимча, бу сиёсатни фақат «халққа қарши қилинган чора» деб тушунтириш ҳам тарихий воқеликни тўлиқ акс эттирмайди. Ўша йилларда давлат олдида инфляцияни жиловлаш, миллий валютани барқарорлаштириш, валюта захираларини сақлаш ва ташқи қарз мажбуриятларини бажариш каби жиддий иқтисодий вазифалар турган. Ҳукумат қаттиқ назоратни макроиқтисодий барқарорликни сақлаш воситаси сифатида кўрган. Муаммо эса шу ерда бошландики, узоқ давом этган маъмурий назорат иқтисодий эркинликни чеклаб, бозор механизмларининг ривожланишини секинлаштирди.

Прописка девори

Бу совет давридан мерос бўлиб қолган доимий рўйхатдан ўтиш тизими мустақиллик йилларида ҳам сақланиб, айниқса Тошкентда одамларнинг қаерда яшаши ва ишлашига кучли таъсир кўрсатди. Қонун олдида фуқаро бир мамлакатнинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлса-да, амалда унинг имкониятлари прописка бор-йўқлигига қараб фарқ қилиши мумкин эди. Тошкентга кўчиб бориш ва у ерда доимий рўйхатдан ўтиш кўпчилик учун оддий маъмурий жараён эмас, балки катта тўсиқ эди. Айрим тоифалар учун рўйхатдан ўтишга рухсат берилган бўлса-да, умумий тартиб қаттиқ чекловлар билан ўралган эди. Пойтахтда уй-жой сотиб олган одам ҳам автоматик равишда доимий пропискага эга бўла олмасди. Шу сабабли «уйим бор, лекин ҳуқуқим чекланган» деган парадокс кўпчилик ҳаётида реал муаммога айланган.

Прописка муаммоси оилавий тақдирларга ҳам аралашарди. Никоҳ қурган эр-хотиннинг бири Тошкентда рўйхатда бўлса, иккинчиси бошқа ҳудудда рўйхатдан ўтган бўлиши мумкин эди. Бу эса бир оила аъзоларининг бир манзилда яшаши билан уларнинг юридик мақомлари ўртасида тафовут пайдо қиларди. Фарзандларни рўйхатга қўйиш, уй-жой масаласи ва мерос билан боғлиқ жараёнларда ҳам прописка масаласи яна кун тартибига чиқарди.

Кейинги йилларда бу соҳада либераллаштириш жараёни бошланди. 2019 йилда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка олишга оид чекловларни енгиллаштириш бўйича янги тартиблар қабул қилинди, 2020 йилдан эса прописка тизимини ислоҳ қилишга қаратилган янги қонунчилик кучга кирди. Бу ўзгаришлар йиллар давомида тўпланган муаммоларни тан олиш ва фуқароларнинг ҳаракатланиш ҳамда яшаш жойини танлаш имкониятларини кенгайтириш заруратидан келиб чиққан эди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев мустақиллигимизнинг 35 йиллигига бағишланган тантаналардаги сўзлаган нутқида энг асосийси, фуқароларимиз юрагидаги қўрқув ва ҳадик ўрнини ишонч ва хотиржамлик эгаллади, деди. Бу бор гап, афсуски тарихий ҳақиқат. Шунинг учун мен бугунги кун учун, имкониятлар учун, фарзандларимизнинг эминэркин университет ва мактабларига бораётгани учун Яратганга шукрона келтираман.

Абдухолиқ ТАШАНОВ,
Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти илмий ходими, фалсафа фанлари доктори